

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 02/03

Ангрен шаҳри

2022 йил 22 июл

“Ипотека-банк” АТИБ Ангрен филиали кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, 2022 йил 28 июнда берилган 274-сонли ишончнома асосида “Ипотека-банк” АТИБ номидан ҳаракат қилувчи бошқарувчи Бийдаев Сираджиддин Сабинович бир тарафдан ва “BLACK BOX ANGREN” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади, устави асосида “BLACK BOX ANGREN” МЧЖ номидан ҳаракат қилувчи раҳбари Назиров Сардор Уринбоевич иккинчи тарафдан, биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### 1. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** – смета ҳужжатлари тўплами, ўрнатилган ускуналар ва қурилиш ишлари давомида ишлатилган материаллар, конструкциялар ва деталлар сифатини тасдиқловчи сертификатлар, техник паспортлар ва бошқа ҳужжатлар, яширин ишларни ўрганиш тўғрисидаги далолатномалар, алоҳида муҳим конструкцияларни қабул қилиш далолатномалари, ўрнатилган ускуналарнинг индивидуал синовлари тўғрисидаги далолатномалар, иш юритиш журналлари ва қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**вақтинчалик иншоотлар** – ишларни бажариш учун қурилиш майдончасида Пудратчи томонидан ўрнатилган ҳар қандай турдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**яширин ишлар** – кейинги ишлар ва конструкциялар билан ёпилиб (кўринмай) кетадиган ишлар, кейинги ишлар бажарилгандан кейин сифати ва ҳажмини аниқлаш имконияти бўлмаган ишлар.

### 2. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Навоий кўчаси, 1 уй манзилидаги “Ипотека-банк” АТИБ Ангрен филиалида канализация тизимини жорий таъмири объектда смета ҳужжатларида ва конкурс ҳужжатларида кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини бажариш, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитларни яратиб бериш, шу бажарилган ишларни қабул қилиш ва бажарилган ишлар бўйича тўловларни тўлаш мажбуриятини оладилар.

### 3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАРНИНГ ҚИЙМАТИ

3. Танлов натижалари бўйича аниқланган ва etender.uzex.uz сайти харид комиссияси баёни билан тасдиқланган (баён №120426, санаси: 18.07.2022й.), мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати 79 000 000 (Етмиш тўққиз миллион) сўми (ҚҚС билан) ташкил этади.

4. Ишларнинг қиймати якуний ҳисобланади ва келажакда қайта кўриб чиқилмайди, агарда қурилиш нархининг ошишига Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда иш ҳажмининг ўзгариши сабаб бўлмаса.

5. Агар тегишли асослар мавжуд бўлса, тегишли ўзгартиришлар Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида тузилган шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

#### 4. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

6. Тўлов шакли: нақдсиз, сўмда.

7. Буюртмачи Пудратчига олдиндан ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказиши, бу 23 700 000 (Йигирма уч миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

8. Жорий молиялаштириш аввал берилган авансни ҳисобга олган ҳолда объектнинг умумий шартномавий қийматининг 95 фоизигача бўлган қисми бажарилган ишларнинг сифати ва ҳажми текширилгандан сўнг амалга оширилади.

9. Объектнинг умумий шартномавий қийматининг қолган 5 фоизи миқдорини объект ўрнатилган тартибда фойдаланишга қабул қилинган санадан бошлаб (12 ой) кафолат муддати тугагандан сўнг, лекин молиявий йил якунига қадар амалга оширилади.

10. Аванс маблағлари бажарилган ишлар далолатномаларига мутаносиб равишда қоплаб борилади.

#### 5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

11. Пудратчи аванс тўлови олинган кундан бошлаб иш бошлайди.

12. Ишларни бажариш босқичлари ишларни бажариш жадвалига мувофиқ (1-илова) амалга оширилади. Қурилиш-монтаж ишларини тугаллаш муддати: 60 кун

13. Молиялаштириш кечиктирилган тақдирда, объектни топшириш муддати молиялаштириш кечикишига мутаносиб равишда узайтирилади.

#### 6. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

14. Мазкур шартнома шартларини бажариш учун Пудратчи қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

– ўз кучи ва/ёки жалб қилинган кучлар билан барча ишларни ушбу шартномада ва иш жадвалида, лойиҳа-смета ҳужжатларида, конкурс ҳужжатларида кўзда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ва ушбу шартнома шартларига мувофиқ буюртмачига топшириш;

– шартнома суммасининг камида 50 фоизини ўз кучи (субпудрат ташкилотларисиз) билан ўзлаштириш;

– қурилиш майдончасига мувофиқлик сертификатлари мавжуд зарур қурилиш материаллари, қурилмалар, конструкциялар, жиҳозлар ва бутловчи ашёларни етказиб келиш, уларни қабул қилиш, тушириб олиш, омборга жойлаштириш ҳамда қурилиш давомида уларни сақлаш;

– қурилиш майдончасида вақтинчалик бино ва иншоотлар қуриш;

– субпудратчилар билан шартнома тузилиши жараёнида Буюртмачини тузилаётган шартнома мавзуси, субпудратчи номи ва жойлашган манзилени кўрсатга ҳолда хабардор қилиб бориш;

– қурилиш майдончасида меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил майдонларни ва ерларни сақлаш, ёруғлик ўрнатиш бўйича зарур чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

– қурилиш-таъмирлаш ишлари тугалланган объектни ўрнатилган тартибда эксплуатацияга топшириш;

– объект фойдаланишга топширилган санадан бошлаб бир ҳафта муддат ичида ҳудудни ўз жиҳозлари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, инвентарлар, қурилиш моллари, конструкциялари ва вақтинчалик иншоотлардан озод қилиш;

– ҳар ойнинг 25-санасигача бажарилган ишлар далолатномаси ва унга тегишли барча ҳужжатларни Буюртмачига тақдим этиш;

– мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ бажариш;

– Буюртмачининг сўровига асосан ишлатилаётган қурилиш материалларининг сертификатлари ва ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчилар тўғрисида маълумотларни тақдим этиш.

– Бажарилган қурилиш ишларини смета ҳужжатларига мувофиқ ва сифатли даражада Буюртмачига топшириш,

15. Пудратчи Буюртмачи олдида барча ишларни ўзи ва субпудратчилар томонидан тўғри, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарилиши ҳамда ушбу шартномага биноан объектни фойдаланишга топширилиши учун тўлиқ мулкый жавобгарликни ўз зиммасига олади.

## 7. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

16. Мазкур шартнома шартларини бажариш учун Буюртмачи қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

– пудратчининг барча сўровларини 5 кун муддатда кўриб чиқиш ва қарорлар чиқариш;

– аванс тўловини ва жорий молиялаштиришни ўз вақтида амалга ошириб бориш;

– мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш;

– ишларнинг бориши устидан доимий техник назоратни ташкил этиш.

## 8. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИШЛАРИ

17. Буюртмачи қурилиш майдончасида ўз вакили – техник аудиторни тайинлайди. Буюртмачининг вакили бажарилган ишларнинг ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи фойдаланган материаллар ва жиҳозларнинг шартном ашартлари ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор қурилиш-монтаж ишларининг бутун муддати давомида барча турдаги ишларга тўсиқсиз кириш ҳуқуқига эга.

19. Пудратчи техник аудиторни иш жойи билан таъминлайди. Техник аудитор ва Пудратчи мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб, қурилиш ишлари пайтида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишади.

20. Пудратчи объектдаги ишларни лойиҳалаш ҳужжатлари ва иш жадвалига мувофиқ мустақил равишда ташкил этади.

21. Қурилиш майдонида умумий тартибни сақлаш Пудратчининг вазифасидир.

22. Қурилиш даврида вақтинчалик коммуникацияларни ва янги қурилган коммуникацияларни уланиш нуқтасига улаш Пудратчи томонидан амалга оширилади.

23. Пудратчи ўзи томонидан қурилиш учун фойдаланадиган қурилиш материаллари, ускуналари ва таркибий қисмлари, конструкциялари ва тизимлари лойиҳа ҳужжатлари, техник регламентлар ёки стандартларда кўрсатилган сифат кўрсаткичларига жавоб беришига ва тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки уларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга эга бўлишига кафолат беради.

24. Агар Буюртмачи ва (ёки) субпудратчилар томонидан сифатсиз бажарилган ишларни аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучи билан ва қурилиш нархини оширмасдан, ушбу ишларни уларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш учун келишилган муддат ичида бажаришга мажбурдир. Келишилган муддат давомида сифатсиз бажарилган ишлар Пудратчи томонидан бартараф этилмаган тақдирда, у Буюртмачига уларни бартараф этиш кечикиши сабабли етказилган зарарни қоплайди.

25. Пудратчи камчиликлар аниқлаганлиги тўғрисидаги далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, Буюртмачи уларни тасдиқлаш учун малакали экспертиза тайинлайди ва бу экспертиза камчиликлар ва уларнинг хусусиятларини қайд этган ҳолда тегишли далолатнома тузади.

26. Агар Пудратчи камчиликлар аниқланганлиги тўғрисидаги далолатномада кўрсатилган муддатда бажарилган ишлардаги камчиликларни бартараф этмаса, Бююртмачи камчиликларни бошқа пудратчининг кучи билан, ҳаражатларни Пудратчига юклаган ҳолда бартараф этишга ҳақли.

27. Пудратчи худудни ва унга туташ кўча чизигини, шу жумладан йўллар ва пиёдалар йўлкаларини тозаланишини ва етарли даражада тозаликда сақлаш ишларини олиб боради, қурилиш даврида қурилиш чиқиндиларини қурилиш майдончасидан олиб чиқиб кетилишини таъминлайди.

## 9. ИШЛАРНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ

28. Пудратчи иш бошланишидан қурилиш тугагунига қадар ва қурилиши тугалланган объект Бююртмачи томонидан қабул қилингунга қадар, тўсилган қурилиш майдончаси худудида материаллар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкнинг зарур муҳоғазасини таъминлайди.

29. Бююртмачи объект қабул қилингандан кейин, қурилган бино ва иншоотларнинг, шунингдек материаллар, ускуналар ва бошқа мол-мулкнинг хавфсизлиги учун жавобгардир.

## 10. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

30. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бири иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати форс-мажор ҳолатлари амал қилган даврга, шунингдек ушбу ҳолатлар келтириб чиқарган оқибатларга мутаносиб равишда узайтирилади.

31. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

32. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ давом этса, Пудратчи ва Бююртмачи ишни давом эттириш ёки объектни консервация қилиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини муҳокама қилишади.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмаса, томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

## 11. ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

34. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиш томонлар ушбу шартномада кўзда тутилган барча мажбуриятларни бажаргандан сўнг, шартнома имзоланган кунда амалдаги белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

35. Объект фойдаланишга топширилгандан сўнг Пудратчи объект жорий таъмирлаш бўйича барча ижро ҳужжатларини икки нусхада Бююртмачига тақдим этади. Пудратчи Бююртмачига тақдим этилган ҳужжатлар тўпламлари аслида бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши шарт.

## 12. КАФОЛАТЛАР

36. Пудратчи кафолат беради:

– мазкур шартнома шартларида белгиланган ишларни тўлиқ ва белгиланган муддатларда бажариш;

– барча ишларни лойиҳа ҳужжатлари, конкурс ҳужжатлари, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, техник шартларга мувофиқ сифатли бажариш;

– қурилиш материаллари, ускуналар ва бутловчи қисмлар, конструкциялар ва тизимларнинг сифати лойиҳа-смета ҳужжатларида, давлат стандартларида ва техник шартларда кўрсатилган спецификацияларга мувофиқ бўлади;

– ишларни қабул қилиш пайтида ва қафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида ва ўз ҳисобидан бартараф этиш.

37. Объектдан фойдаланиш қафолат муддати объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилган санадан бошлаб 12 (ўн икки) ой этиб белгиланади.

38. Қафолатли фойдаланиш муддати давомида объектдан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган даражадаги камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб объектдан фойдаланиб бўлмаса, қафолат муддати камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган муддатга узайтирилади. Камчиликларни бартараф этиш Пудратчи томонидан ва унинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

Агар пудратчи далолатномада белгиланган муддатда бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва камчиликларни, шу жумладан ускунанинг мумкин бўлган нуқсонларини бартараф этмаса, Буюртмачи ушбу шартноманинг 9-бандида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолишга ҳақлидир.

Агар Пудратчи аниқланган нуқсонлар ва камчиликлар юзасидан далоланомани тузишдан ёки имзолашдан бош тортса, Буюртмачи бир томонлама далолатномага мувофиқ ушбу шартноманинг 10-бандида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолишга ҳақлидир.

Буюртмачи куйидаги ҳолларда қафолат суммаси ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш учун бошқа пудратчини жалб қилишга ҳақлидир:

– Пудратчи баъзи ҳолатлар туфайли нуқсонлар ва камчиликларни бартараф эта олмайди ва / ёки ушбу нуқсонлар ва камчиликларни бартараф қилиш учун Буюртмачи томонидан бошқа пудратчини жалб қилишга ёзма равишда розилик беради;

– Пудратчи далолатномада белгиланган муддат ичида нуқсонлар ва камчиликларни бартараф этмайди;

– Агар Пудратчи аниқланган нуқсонлар ва камчиликлар юзасидан далоланомани тузишдан ёки имзолашдан бош тортса.

### 13. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

39. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир:

– Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қурилиш ишлари бошланишини пудрат шартномаси кучга кирган санадан бошлаб бир ойдан ортиқ муддатга кечиктириши;

– Пудратчининг айби билан иш жадвалига амал қилинмаслиги ва бунинг оқибатида шартномада белгиланган ишларни тугаллаш муддати бир ойдан ортиқ муддатга чўзилганда;

– қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган, иш сифатининг пасайишига олиб келадиган шартнома шартларининг Пудратчи томонидан бузилиши;

– қонунчиликка мувофиқ бошқа асосларда.

40. Пудратчи куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир:

– Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишларни бажаришни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш;

– Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

– қонунчиликка мувофиқ бошқа асосларда.

41. Тарафларнинг биргаликдаги қарори билан шартнома бекор қилинган тақдирда, тугалланмаган қурилиш бир ой ичида Буюртмачига ўтказилади, Буюртмачи эса Пудратчига бажарилган ишлар қийматини тўлайди.

42. Мазкур шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан тараф ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ бошқа тарафни 10 (ўн) кун олдин ёзма равишда хабардор қилади.

43. Шартнома бекор қилинган тақдирда, айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни, шу жумладан йўқотилган фойдани қоплайди.

44. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада белгиланган шартлардан бошқа ҳолатларда шартномани бажаришдан бир томонлама воз кечишга йўл кўйилмайди.

#### 14. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

45. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, айбдор тараф:

– бошқа тарафга етказилган зарарни қоплайди;

– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари ва ушбу шартномада кўзда тутилган бошқа жавобгарликни ўз зиммасига олади.

46. Ўз мажбуриятларини бажармаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, шу билан бирга пеня умумий миқдори бажарилмаган мажбуриятлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

47. Объектни ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Пудратчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, шу билан бирга пеня умумий миқдори бажарилмаган мажбуриятлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Буюртмачи томонидан аниқланган нуқсонлар ва камчиликларни ўз вақтида бартараф қилмаганлиги учун Пудратчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, шу билан бирга пенянинг умумий миқдори сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеняни тўланиши Пудратчини ишларнинг бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилишининг кечикиши оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

48. Агар бажарилган ишлар сифати ўрнатилган стандартларига, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига жавоб бермаса, Буюртмачи Давархқурназорат инспекциясининг ҳулосаси асосида белгиланган тартибда объектни қабул қилиш ва тўлашдан бош тортишга, шунингдек пудратчидан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақлидир.

49. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун ушбу моддада кўзда тутилган санкциялардан ташқари, шартнома шартларини бузган тараф бошқа тарафга амалга оширилган ҳаражатлар, мол-мулкнинг йўқолиши ёки зарарланиши, шу жумладан пенялар билан қопланмаган мулкӣ манфаатлар суммаси кўринишида ифода этилган зарарларни қоплайди.

50. Мажбуриятларни кечиктирилганлик ёки бошқа лозим даражада бажармаганлик учун пеняларни тўлаш тарафларни шартнома шартларини бузиш натижасида етказилган зарарни қоплашдан, шунингдек ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### 15. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

51. Шартномани бажариш ва бекор қилиш пайтида юзага келадиган, шунингдек етказилган зарарни қоплаш пайтида тарафлар томонидан ҳал этилмайдиган тортишувларга оид масалалар Буюртмачи жойлашган ҳудуд иқтисодий суди томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## 16. БОШҚА ШАРТЛАР

52. Шартнома тарафлар имзолаган пайдан бошлаб кучга киради ва тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармагунча амал қилади.

53. Ушбу шартнома имзолангандан сўнг, мазкур шартномага оид барча олдинги ёзма ва оғзаки келишувлар, ёзишмалар, битимлар ўз кучини йўқотади.

54. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимачалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

55. Мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган, янги ҳолатларни келтириб чиқарадиган ҳар қандай келишув тарафлар томонидан ушбу шартномага қўшимча ва ўзгартириш шаклида ёзма равишда тасдиқланиши керак.

56. Пудратчи объект ишчи ҳужжатларини ёки унинг алоҳида қисмларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон бир учинчи шахсга сотиши ёки топшириши ҳуқуқига эга эмас, субпудратчилар бундан мустасно.

57. Объектда қурилиш ишлари натижасида “Пудратчи”нинг айби билан учинчи шахсга етказилган зарар “Пудратчи” томонидан, “Буюртмачи”нинг айби бўлганда эса – “Буюртмачи” томонидан қопланади. Барча ҳолларда “Пудратчи” етказилган зарарни тугатиш учун зудлик билан чоралар кўради.

58. Агар шартнома бўйича ишлар тугатилгандан сўнг, Пудратчига тегишли мол-мулк қурилиш майдончасида қолса, у ҳолда Буюртмачи бажарилган ишлар учун тўловни қурилиш майдончаси бўшатишга қадар кечиктиришга ҳақлидир.

59. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча ҳолатларда амалдаги қонунчилик нормалари қўлланилади.

60. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ўзбек тилида тузилган.

## 17. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### “БУЮРТМАЧИ”

**“Ипотека банк” АТИБ Ангрэн  
филиали**

Манзил: Тошкент вилояти, Ангрэн  
шаҳар, Навоий кучаси 1 уй

МФО: 00461, ИНН: 200599239

х/р.: 29802000100000461111

Бошқарувчи: \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер: \_\_\_\_\_

Юрист: \_\_\_\_\_



### “ПУДРАТЧИ”

**“BLACK BOX ANGREN” МЧЖ**

Манзил: Тошкент вилояти, Ангрэн  
шаҳри, Байналминалчилар кўчаси, 49  
уй

МФО: 00461, ИНН: 305740397

х/р.: 20208000700917046001

Директор: \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер: \_\_\_\_\_

